



1918 йилда Ставропол епархиясида 37 та диний хизматчилар ўлдирилади, уларнинг орасида – 72 ёшли Павел Калиновский ва 80 ёшли рухоний Золотовскийлар бўлган [\[1\]](#) [\[2\]](#)

Баъзи котилликлар ошкора, намойишкорона тахкирлашлар билан биргаликда амалга оширилган. Хусусан, қари дин хизматчиси Золотовскийга аввал аёллар кийимини кийгизишган ва кейин осишган. 1917 йилнинг 8 ноябрида Царскосельск протоиерейси Иоанн Кочуров давомли қалтаклашларга мубтало бўлади, сўнгра темир йўл тўсинларига боғлаб, чўзиб тортиш орқали ўлдирилади. 1918 йилда Херсон шаҳрида уч нафар православ иерейлари хочга михланадилар. 1918 йилнинг декабрида епископ Соликамский Феофан (Ильменский) сочидан бойланган холда муздаги тешикка тикиб, музлатиб ўлдирилади, Самарада собик Михайловск епископи Исидор (Колоколов) қозикка ўтказилиши натижасида ўлади. Перм епископа Андроник (Никольский) ерга тириклайин кўмиб ташланади. Нижегород архиепископи Иоаким (Левицкий) ривоятларга кўра [\[3\]](#), Севастополь соборида боши ерга қаратилиб, оёғидан халойик олдида осилган. Серапульск епископи Амвросий (Гудко) от думига боғланган холда қатл қилинган; 1919 йил Воронежда бир вақтнинг ўзида архиепископ Тихон (Никаноровым) бошчилигида 160

нафар рухонийлар ўлдирилади, Тихон Митрофановск монастири черковининг Шох дарвозасига осилади... [\[4\]](#) [\[5\]](#) 1919 йил январ ойининг бошларида бошқалар каторида епископ Ревельский Платон (Кульбуш) вахшийларча ўлдирилади.

1921 йил 9 апрелда Ф.Дзержинский Лацисга куйидагиларни ёзади:

Черков куламокда, бунга биз кўмаклашишимиз керак, лекин унинг янги шаклда кайтадан тугилишига йўл қўймаслик керак. Шу сабабли Черков ағдалириш сиёсатини ВЧК олиб бориши лозим, бошқа биров эмас... Бизнинг умидимиз коммунизм, дин эмас. Факатгина ВЧК йўқ қилиши мумкин... [\[6\]](#) [\[7\]](#)

Ўзгача фикрда бўлиш ва аксилинкилоб билан курашиш сиёсатини тадбик қилишдаги муҳим жиҳат, республикадаги сиёсий ва ижтимоий – маданий вазиятга “реакцион рухонийлик” деб аталган черковнинг таъсирини батамом йўқ қилиш эди. Хусусан, РКП(б)нинг кизил террор давридаги сиёсатини В.И.Лениннинг 1923 йил 19 мартда Сиёсий бюро, ОГПУ, Адлия Халқ коммиссиярияти ва Инкилобий трибунал раҳбарларига йўллаган хати очиклаб беради:

“Кимматликларни, айникса энг бой лавралар (эркакларнинг катта муҳим монастири)”, монастирлар ва черковлардан олиш аёвсиз катъият билан, мутлақо ҳеч нарса олдида тўхтамасдан ва энг қисқа муддатда амалга оширилиши лозим. Бу сабаб қанчалар кўп реакцион буржуазия ва реакцион рухонийлик вакиллари отиб ташлай олсак, шунчалар яхши. Айнан ҳозир бу жамоатнинг таъсирини бериш керакки, яна бир неча ўн йил ҳеч қандай қаршилиқ ҳақида ўйлай олмасинлар [\[8\]](#) ”

Баъзи тарихчиларнинг ҳисобига кўра, 1918 йилдан 1930-йилнинг охирига қадар рухонийларга қарши репрессияда отиб ташланган ва озодликдан маҳрум қилиш жойларида ўлдирилган дин хизматчиларининг сони 42000 нафарни ташкил этган. Шунга ўхшаш маълумотларни рухонийларга нисбатан амалга оширилган репрессия ҳақидаги архив материалларига асосланган ҳолда, Свято-Тихоновский Богословский институт ҳам келтиради. Уларнинг маълумотига кўра, 1918 йилда 3000 та дин хизматчиси отиб ташланган. [\[9\]](#)

“Дин хизматчилари ва барча конфессиядаги диндорларга нисбатан большевикларнинг

партиявий – совет тузуми томонидан шароит яратиб берилган кўпйиллик террорнинг”(Фармоннинг 1-моддаси) ҳукмига кўра кизил террорга учраган рухонийларни оқлаш, 14.03.1996 йилдаги “Дин хизматчилари ва асоссиз репрессия қурбони бўлган диндорларни реабилитация қилиш чоралари тўғрисида”ги РФ Президенти фармонида биноан амалга оширилди.

90-йилларнинг охирида пайдо бўлган нашрлар каторида 1919 йил 1 майда “ВЦИК томонидан ВЧКнинг раиси Ф.Э.Дзержинскийга 13666/2-сон билан берилган “Поп ва динга қарши кураш тўғрисида”ги махфий фармон” ҳам эълон қилинди. У СНК раиси В.И.Ленин ва ВЦИК раиси Калинин томонидан имзоланган бўлиб, унда рухонийларни жисмонан йўқ қилишга доир кўрсатмалар назарда тутилган эди [\[10\]](#) . Лекин кейинроқ аниқланишича, ушбу “...Фармон” XX асрнинг 90-йилларида қимлардир томонидан тайёрланган сохта ҳужжат экан.

[\[11\]](#)

---

[\[1\]](#) Красный террор в годы Гражданской войны: По материалам Особой следственной комиссии по расследованию злодеяний большевиков. Под ред. докторов исторических наук Ю. Г. Фельштинского и Г. И. Чернявского / London, 1992.

[\[2\]](#) СПИСОК священнослужителей, убитых большевиками в пределах Ставропольской епархии (Ставропольская губерния и Кубанская область) при двукратном захвате ими этой местности в первой половине 1918 года и в октябре того же года

[\[3\]](#) Биография на сайте «Хронос».

[4] Д.Орехов. «Русские святые и подвижники XX столетия»

[5] Никольский Благовест, № 44(94), 10 февраля 2002 г

[6] Александр ЯКОВЛЕВ, академик. «История и современность. Гимн ненависти и мести»

[7] ЦПА, Ф. 76, оп. 3, ед. хр. 196, л. 2. 3.

[8] ↑ Александр ЯКОВЛЕВ, академик. „История и современность. Гимн ненависти и мести“

↑ Известия ЦК КПСС» № 4, с. 192. — 1992 год

↑ Олег Платонов. История русского народа в XX веке. Том 1 (гл. 39-81)

↑ Архивы Кремля. В 2х кн./ Кн.1. Политбюро и Церковь. 1922-1925 гг. М. Новосибирск, «Сибирский хронограф», 1997 г., стр.143

[9] Д. В. Поспеловский, «Русская Православная Церковь в XX веке», Москва, 1995., с.168

[10] ↑ А. Латышев «О рассекречивании трудов Ленина»

↑ Зоркальцев В. И., член Президиума ЦК КПРФ, «КПРФ и религия» // Полный текст в газете Правда No 123 от 24-25 октября 2000 г., No 124 от 26 октября 2000 г., No 125 от

27-30 октября 2000 г., No 126 от 31 октября — 1 ноября 2000 г.

↑ Карпов В. В., академик. «Генералиссимус»: Историко-док. изд. (в 2 кн.). — Калининград, 2002

[\[11\]](#) Игорь КУРЛЯНДСКИЙ ПРОТОКОЛЫ ЦЕРКОВНЫХ МУДРЕЦОВ. К ИСТОРИИ МНИМОГО ПОВОРОТА СТАЛИНА К РЕЛИГИИ И ПРАВОСЛАВНОЙ ЦЕРКВИ В 1930-Е ГОДЫ

Абу Муслим. "Кизил террор" китобидан